



09.01.2019



Адлия вазири буйруғи билан “Энг яхши корпоратив юридик хизмат” республика танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, танлов Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

Танловда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча тижорат ташкилотларининг юридик хизматлари ҳамда олий юридик маълумотга эга бўлган, иш стажи ва лавозимидан қатъи назар юридик хизмат ходимлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов иштирокчиларидан ҳужжатларни қабул қилиш 2019 йилнинг 15 январидан 15 февраль кунига қадар давом этади.

Ҳужжатлар 2019 йилнинг 20 февралидан 30 март кунига қадар кўриб чиқилади.

Низомга биноан, танловни ўтказишда яқунланган йил давомида амалга оширилган ишлар ҳисобга олинади. Бунда иштирокчилар тегишли анкетада кўрсатиб ўтилган 10 та йўналиш бўйича қилинган ишларни yurist@adliya.uz [1] электрон почтасига юборади.

Иштирокчилар фаолияти шу асосда таҳлил қилиниб, ҳар бир йўналиш бўйича 10 баллдан – жами 100 баллгача баҳоланади.

Энг юқори балл тўплаган 7 та юридик хизмат кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Шунга кўра, навбатдаги босқичда юридик хизмат раҳбарлари ҳакамлар ҳайъати томонидан суҳбатдан ўтказилиб, энг яхши 3 та юридик хизмат аниқланади.

Танлов ғолиблари “Tashkent Law Spring” халқаро юридик форумида тақдирланади.

59 [Чоп этиш](#) [2] [PDF](#) [3]

Сўнгги янгиликлар:

- [2019 йилнинг 19 январь куни Адлия вазирлигининг навбатдаги кенгайтирилган хайъат мажлиси ўтказилди](#) [4]
- [Ўзбекистон Президенти “Жўшқин Гужарат” халқаро инвестиция саммитида иштирок этди](#) [5]
- [Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида](#) [6]
- [Адлия вазирлиги тизимида янги тайинловлар амалга оширилди](#) [7]
- [Севимли газетамизнинг биринчи - янги форматдаги сони нашрдан чиқди](#) [8]
- [Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди](#) [9]
- [Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ва ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги](#) [10]
- [Урбанизация агентлиги ҳамда Урбанизацияни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди](#) [11]
- [Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ташкил этилди](#) [12]
- [Фермер хўжаликлари ер майдонлари мақбуллаштирилади](#) [13]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/4484>

Ссылки

[1] <mailto:yurist@adliya.uz>

[2] <http://insonvaqonun.uz/print/4484>

[3] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4484>

[4] <http://insonvaqonun.uz/node/4511>

[5] <http://insonvaqonun.uz/node/4509>

[6] <http://insonvaqonun.uz/node/4506>

[7] <http://insonvaqonun.uz/node/4501>

[8] <http://insonvaqonun.uz/node/4498>

[9] <http://insonvaqonun.uz/node/4497>

[10] <http://insonvaqonun.uz/node/4496>

[11] <http://insonvaqonun.uz/node/4495>

[12] <http://insonvaqonun.uz/node/4494>

[13] <http://insonvaqonun.uz/node/4492>